

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11642801>

Қиём Назаров

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
Механизациялаш муҳандислари институти»

MTU профессори
фалсафа фанлари доктори

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада ҳозирги даврда давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлари, айниқса тадбиркорлик соҳасини ривожлантириши ва ушбу жабҳа вакилларининг маънавиятини юксалтириши масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Калит сўзлар: маънавият, маънавий қиёфа, давлат, ислоҳотлар, иқтисодиёт, тадбиркорлик, тадбиркор маънавияти.

НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО ДУХА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

РЕЗЮМЕ:

В статье уделяется внимание на реформы проводимые государством в социально-экономической сфере и на вопросы касаемые развитию предпринимательства и повышения духовного потенциала предпринимателей в современных условиях.

Ключевые слова: Духовность, духовный облик, государство, реформы, экономика, предпринимательство, духовный потенциал предпринимателей.

THE NEED TO FORM AN ENTREPRENEURIAL SPIRIT IN THE NEW UZBEKISTAN

RESUME:

The article focuses on the reforms carried out by the state in the social and economic sphere and on issues related to the development of entrepreneurship and increasing the spiritual potential of entrepreneurs in modern conditions.

Key words: Spirituality, spiritual appearance, state, reforms, economy, entrepreneurship, spiritual potential of entrepreneurs.

Маълумки, бизда узоқ йиллар, кейинги асрлар давомида “Давлат – жамият – инсон” тамойилига амал қилиб келинган эди. Ушбу тамойил, ўз ижтимоий фалсафий моҳиятига кўра, инсонни давлат ва жамиятдан бегоналаштиради, маънавиятини хиралаштиради, уни сиёсий ва иқтисодий механизмнинг арзимас бўлаги, оддий элементига айлантиради.

Аслида эса, аввало, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати ва жамият ҳаётининг энг устувор мақсад-муддаоси бўлиши лозимлиги инсоният тарихида кўп бора исботланган муҳим хулосалардан биридир. Кейинги йилларда жамиятимиз тафаккурида устувор ҳақиқатлардан бирига айланаётган айти шу хулоса тарихимизда биринчи мазкур тамойилнинг **“Инсон – жамият – давлат”** шаклидаги таянч ғояга ўзгариши учун асос бўлди.

Президентимиз томонидан **«Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён. Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу – бунёдкор халқимиз, дуогўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми? Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечирishi, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қилишимиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз»** дея алоҳида таъкидлангани эса, мазкур йўналишдаги тадрижийликнинг яққол ифодасидир.

Тадбиркорлик масъулияти. Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Давлат – жамият – инсон” тамойилининг **“Инсон – жамият – давлат”** тамойилига ўзгариши ва шахс омилининг биринчи ўринга чиқарилиши барча соҳалар ва долзарб масалаларда нафақат давлат ва жамият масъуллигини, айти пайтда эса инсоннинг ҳам маъулиятдан холи бўлмаслигини англатади. Яъни, давлат органлари, вазирлик ва идоралар фаолиятидан қатъий назар, ушбу йўналишдаги маънавий муҳит ва ижтимоий макон қиёфасини тадбиркор ва мулкдорларнинг шахсий хислатлари ва фазилатлари, уларнинг ҳаётининг позицияси, ишга ва касбига муносабати, виждони ва масъулият ҳисси ҳам кўп жиҳатдан белгилайди.

Бинобарин, ҳозирги даврда давлат томонидан кўплаб сиёсий-иқтисодий ислохотлар, тадбирлар амалга оширилмоқда, вазирлик ва идоралар белгилаб берилган стратегия доирасидаги мақсадлар, дастурлар ва режаларни бажармоқдалар. Юртимиз тадбиркорлари ва мулкдорларининг иқтисодий рағбати ва маънавий камолоти учун объектив шарт-шароитлар табора яхшиланиб бормоқда.

Аммо тадбиркорлик маънавияти, ҳар бир тадбиркорнинг ижтимоий масъулияти ва унинг ҳаётда намоён бўлиши билан боғлиқ масалаларнинг конкрет шахс, инсон омили билан боғлиқ ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик

субектив жиҳатлари ҳам бор. Бу нуқтаи назардан, “Тадбиркор маънавияти” тушунчасининг ижтимоий масъулият билан боғлиқ жиҳатлари жаҳон халқлари тажрибаси ва бугунги ҳаёт воқеликлари орқали яққол намоён бўлаётганини аниқ-тиниқ кўриш ва турли мисоллар орқали тўғри тасаввур қилиш мумкин.

Келинг, ушбу мавзуда назарий фикрлар ва умумий мулоҳазалардан кўра аниқ мисолларга мурожат қилайлик. Масалан, Япония жамияти ва унинг аъзолари тўғрисида чоп этилган қизиқарли асарлардан бири - “Рёандзи боғининг ўн бешинчи тоши” номли китобда япон бизнесменларига хос ниҳоятда ибратли хислатлардан бири ҳақида ҳайрат билан ҳикоя қилинган. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, аксарият япон тадбиркорлари ўзларига юз минглаб доллар фойда келтириши мумкин бўлган бирор-бир шартнома агар Японияга ва япон халқига бир неча минг доллар миқдоридан моддий зарар ёки маънавий зиён келтиришини билиб қолсалар уни ҳеч қачон имзолас эканлар. Ушбу халқ орасида узоқ йиллар яшаган асар муаллифи “Уларни бунга ундашнинг фойдаси йўқ, барибир мақсадингизга етолмайсиз ва ўз йўлингизга солаолмайсиз” деган хулосага келган.

Бошқа бир манбада эса, нафақат Япония, балки чет элларда ҳам машҳур таълим даргоҳи – Нагоя университети билан боғлиқ айнан ана шу ҳақдаги бир мисол келтирилган. Унга кўра, яқинда мустақилликка эришган мамлакатлардан бирига келган ушбу университет вакилига “Бизнинг юртимизда дунёнинг кўплаб олий таълим муассасалари филиаллари очилган. Сизлар ҳам шу йўлдан борсангиз миллионлаб фойда кўрар эдингиз. Таклифимизга рози бўлмаётганингизнинг сабаби нимада? Ёки катта фойда олишингизга ишончингиз комил эмасми, деган саволга берилган қуйидаги жавоб япон тадбиркорининг маънавий қиёфасини яққол ифодалайди: “Бу ишдан катта иқтисодий фойда олишимизни яхши биламиз ва бунга ишончимиз комил. Аммо юртингизда очиладиган филиалимизнинг Япониядагидек самарали таълим тизимига айланиши ва ҳар бир талаба, бўлажак мутахассис учун биздаги каби юксак даражали, ниҳоятда мазмундор ва фойдали билим беришига ишончимиз комил эмас. Бу эса, нафақат бизнинг университет, балки бутун Япония таълим тизими обрусизланишига сабаб бўлиш мумкин. Биз эса, бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз ва ҳеч қандай шахсий фойда олиш имконияти бизни Ватанимиз шаънига доғ туширадиган енгил-елпи йўлга солалмайди.”

Кунчиқар мамлакат ҳақидаги ушбу ибратли мисолларга дуч келар экансиз “Бизнинг тадбиркорларимиз орасида бундай имконият бўлганида япон тадбиркорларидек иш тутадиганлар неча фоизни ташкил қиларкин”, деган савол беихтиёр ҳаёлингизга келиши аниқ. Бу эса ўз навбатида, яна бир бор тадбиркор маънавияти, ушбу соҳа вакиллариининг Ватан ва халқ олдидаги

ижтимоий масъулият туйғусини тўғри шакллантириш зарурати билан боғлиқ масаланинг ниҳоятда долзарблигидан далолат беради.

Куни кеча ижтимоий тармоқларда “Наманганда қалбаки дори воситаларини тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланган тиббиёт ходими ушланди” деган хабар тарқалди. Унга кўра, давлат органлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда “Зодак”, “Анаферон”, “Хилак Форте” ва “Витамин В6” номли қалбаки дори воситаларини тайёрлаш ҳамда сотиш билан шуғулланган тиббиёт ходимининг фаолиятига чек қўйилган, у 1000 дона қалбаки “Зодак” дори воситасини Андижон вилоятига сотиш мақсадида олиб кетмоқчи бўлган вақтида қўлга олинган. Унинг хонадонидан дори воситалари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган яширин цех, 763 дона “Анаферон”, 2125 дона “Зодак”, 4000 дона “Витамин В6” дори воситалари, 570 дона номсиз флаконларда сироплар, дори воситаларини қадоқлашда фойдаланиладиган флаконлар, қутилар, йўриқнома ва ёрлиқлар топилган. Инсон ҳаётини хавф остига қўядиган фаолиятни 2023 йилнинг сентябрь ойидан буён тизимли йўлга қўйган бу “тадбиркор” тиббиёт ходимини Андижон вилоятида яшовчи ўзига ўхшаган фуқаролар Қирғиз Республикасидан ноқонуний йўллар билан олиб келинган хом-ашёлар билан таъминлаб турганлар. Ҳозирда ҳолат юзасидан Жиноят Кодексининг 186-3-моддаси 2-қисми “б” ва “е” бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, мазкур шахсга нисбатан қamoқ эҳтиёт чораси қўлланилган.

Хўш, кейинги йилларда Президентимиз томонидан аҳолини соғломлаштиришга доир бутун жаҳонда эътироф этилаётган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган, давлатимизнинг бу борадаги кўплаб дастурлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилаётган, ушбу йўналишга трилионлаб маблағлар сарфланаётган бир даврда бундай номақулчилик учун давлат ташкилотларини айблаш қанчалик тўғри бўларкин? Бунда аслида давлат ёки жамият эмас, балки инсон омили, аниқ бир кимсаларнинг ноқонуний ва маънавий мезонларига мутлақо мос келмайдиган фаолиятни амалга ошираётгани ҳақида гап бормоқда. Ушбу йўналишдаги бу таҳлит “тадбиркорлик” мамлакатимизда ўз зиммасидаги вазифаларни чин дилдан адо этаётган кўплаб ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг маънавий қиёфасига соя солади ва ушбу ҳаракатни обрўсизлантириши эса шубҳасиз.

Яна бир мисол. Маълумки, кейинги йилларда мактабгача таълим соҳасига ниҳоятда катта эътибор қаратилди, болажонларимизни ушбу тизим билан қамраб олиш даражаси бир неча баробарга ортди. Бу соҳада фаолият олиб бораётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) сони 27 мингдан ошди ва улар барча турдаги солиқлардан озод қилинган. 2023 йилда уларга давлат ҳисобидан ва шерикчилик шарномаси асосида жуда катта

миқдорда, яъни 2,7 трлн сўм маблағ ажратилгани бу борадаги ғамхўрликнинг яққол намунасидир. Ушбу йўналишдаги вазирлик ва агентлик, улар тизимидаги давлат ташкилотлари МТТ ташкил қилаётган тадбиркорлар билан битимлар тузмокда, уларга ажратиладиган субсидия маблағларини вақтида етказилишини таъминламокда, хуллас ўз вазифаларини бажармокда.

Аммо мазкур ташкилотларнинг МТТларнинг 2023 йил 27 декабригача амалга оширган фаолияти тўғрисидаги маълумотларига кўра, баъзи оилавий боғчаларнинг эгалари турли ноқонуний йўллардан фойдаланиб, давлат ҳисобидан 30 млрддан ошиқ маблағларни ўзлаштиргани аниқланди. 1,5 мингдан зиёд хусусий “боғча”лар ноқонуний фаолият юритгани маълум бўлди. Хўш бунда айбдор ким ёки ушбу ҳолатнинг сабаб нима деб ўйлайсиз? Давлат ҳамма шароитни яратаётган бўлса, шу йўналишдаги вазирлик ва идора ишга масъулият билан ёндошса, гап нимада?

Холисона айтганда, бу борада айнан ушбу йўналишдаги вазирликнинг саъй-ҳаракати билан 2023 йилда 734 та МТТлар томонидан бир боланинг фотосурати ўрнига бошқа боланинг фотосурати асосида давомати белгиланиб келган аниқланиб, уларга нисбатан 8,8 млрд сўм субсидия тўловлари тўхтатилган. 895 та оилавий МТТлар томонидан воситачилар ёрдамида компьютерларда виртуал мобил қурилмани яратиш орқали ҳақиқатда МТТга келмаган тарбияланувчи ва ходимларнинг давомати сохталаштирилгани аниқланган. Уларга огоҳлантириш хатлари жўнатилган ва 8,9 млрд сўм асосланмаган субсидия тўловларининг молиялаштирилиши олди олинган. Ушбу маълумотлар тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилган.

Аслида бундай ҳолатларнинг рўй бераётгани ушбу соҳалардаги вазирлик ёки идораларнинг фаолиятида йўл қўйилаётган хато ёки камчилик билан эмас, балки нима қилиб ва қандай йўллар билан бўлсада фойда олиш ва бойлик орттириш илинжидаги юрган айрим шахслар, виждонсиз кишилар, яъни инсон омили билан узвий боғлиқлиги шубҳасиз. Бу борада ҳамма бало, бир томондан, асрлардан мерос бўлиб келаётган “қинғир йўллар билан бойлик орттириш” ва иккинчидан, собиқ иттифоқдан қолган “бюджетдан юлиб қолиш” каби касалликларнинг баъзи кишилар онгида ҳалигача бутунлай барҳам топмаганлигида ва уларнинг таъсири ҳанузгача давом этаётганлигидадир.

Маълумки, иттифоқ даврида жамиятни сунъий тарзда турли синфларга ажратиб, хусусий мулк ва тадбиркорликни йўқотиш ғояси амалиётга татбиқ этилди. Сиёсий ва мафкуравий мақсадларга хизмат қилган бу ғоя аввало жамият аъзоларини мулкдан бегоналаштирди, тадбиркорлар ва мулк эгаларига зарарли қатлам сифатида қарашни шакллантирди, ҳаётда мулкдан бегоналашиш

туйғуси мустаҳкамланиб борди ва “Мулк ҳамманики, айни пайтда ҳеч кимники эмас” деган ақида одамлар онгига сингдирилди. Тадбиркор ва ишбилармон кишилар бўлган мулк эгаларининг ориятли ва виждонли инсон сифатидаги қиёфасидан асар ҳам қолмади, Ватанни севиш, эл-юрт олдидаги маънавий қарздорлик ва ва уз халқига садоқат туйғулари хиралашди.

Собиқ давр хусусий мулкни ва мулкдорларни йўқ қилди, тадбиркорликни таг-туги билан қуритди, одамларни давлатга боқиманда қилиб, ушбу касалликни яратди. Бугун у тузум йўқ, унинг даври ўтди. Фалсафада “Замон ўзгаради, аммо одамлар қолади. Бундаги энг қийин иш одамларнинг онги ва тафаккурини ўзгартиришдир” деган тамойил бежиз шаклланмаган. Халқимизнинг “Тоғ ўзгарибди деса ишон, аммо одамлар ўзгарибди деса ишонма” деган ҳикмати ҳам ана шу жараённи яққол ифодалайди.

Мактабгача таълим тизимига юксак эътибор берилаётгани ва унга катта маблағлар ажратилаётганидан бохабар бўлган баъзи “учар”ларнинг бир юмалаб тадбиркор бўлиб олгани ва қинғир йўллардан бораётгани ҳам шундан. Ва айнан ана шундайларга қарши кураш зарурати нафақат шу йўналишдаги вазирлик, балки бошқа кўплаб ташкилот ва идораларнинг бош оғриғига сабаб бўлаётган салбий ҳолатлар ва муаммоларнинг олдини олиш, уларни бутунлай барҳам топтириш масъулияти билан узвий алоқадорлиги шубҳасиз.

Бу эса, бутун жамият миқёсида маънавий тарбия масаласининг ниҳоятда долзарблигини ва ҳар бир фуқаро, жумладан ишбилармонлар ва тадбиркорлар қатламининг маънавий қиёфасида мазкур феномени билан боғлиқ ижобий хислатларни шакллантириш ва камол топтириш зарурати ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганини англатади.

Коррупция балоси. Тадбиркорлар маънавий дунёсининг рисоладагидек шаклланишига ҳалақит берадиган омиллар орасида коррупция балоси ва унинг оқибатлари, қонун ва ҳуқуқни англаш даражасининг етарли эмаслиги, глобаллашув таҳдидлари ва ғоясизлик хатарлари алоҳида диққатни талаб қилади. Улар бошқа салбий омиллар билан бирга тадбиркорларнинг онги ва дунёқарашига таъсир ўтказди, бу жабҳа вакилларининг кундалик ҳаёти ва фаолиятида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада дуч келиш мумкин ва у бугунги кунда ҳақиқий тадбиркорликнинг асосий кушандаси ва сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. У келтирадиган зарар барча учун тенг саналиб, мазкур иллатнинг турли соҳаларга, хусусан иқтисодий, ижтимоий, маънавий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга, мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий

жозибадорлигига, айти пайтда тадбиркорлик соҳасига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатиши маълум.

Ҳозирги глобаллашув замони, минтақалар ва давлатлараро интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда. Бинобарин, бугун катта-кичикми, бойми-камбағалми, қудратлими-кучсизми биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айтолмаймиз. БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли йилига 1,5-2,6 триллион долларгача зарар кўрмоқда.

Жаҳон меҳнат ташкилоти томонидан муттасил ўрганиб бориладиган мавзуларидан бири, яъни бизнес соҳасининг коррупциялашганлик даражаси мониторинги умумий кўрсаткичларига кўра, порахўрлик барча соҳаларда тадбиркорлик фаолиятининг маънавий асосларини емиради, унинг халқ олдидаги обрўсига путур етказди. Айти пайтда у халқаро ҳуқуқ соҳасида тадбиркорнинг бу борадаги қонуний ҳақлари ва манфаатларига дахл қиладиган энг хавfli жиноий ҳодисалардан бири сифатида баҳоланади.

Чунки у бутун мамлакат миқёсидаги тадбиркорлик ривожланишига жиддий путур етказди, қонун устуворлигини заифлаштиради, пировардида ҳақиқий тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам Президентимиз *Ш.М.Мирзиёев янги давр бошланишидаёқ* “Жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди” дея *алоҳида* таъкидлагани асло бежиз эмас.

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг тасдиқланиши юртимизда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирларни самарали амалга оширилишини таъминлади. Мисол учун, қисқа вақт ичида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги,

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимизнинг “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эса бу борадаги изчил саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир. Ундан кўзланган асосий мақсад юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Дунё мамлакатлари бизнес соҳасининг коррупциялашганлик даражаси умумий кўрсаткичларига кўра ушбу иллат бу борада ҳамма жойда, иш бошлашдан олдинги лицензиялар олишдан тортиб шартномалар ва суд жараёнларигача рўй бериши мумкин. Халқаро экспертлар жамиятида бу борада шаклланган хулосага кўра бизнесдаги коррупсия сабаблари хилма-хил тарзда намоён бўлади.

Рейтингнинг маънавий кучи. Кейинги йилларда етук тадбиркорлик маънавиятини тақазо этадиган соҳаларни тизимли ривожлантириш, бизнес учун шароитларни изчил яхшилаб бориш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жиҳатларига асосланадиган ва ўз навбатида бу соҳа вакиллариининг маънавий киёфасига катта таъсир кўртадиган барқарорлик рейтинги жорий этилиши мазкур йўналишдаги муҳим янгиликлардан биридир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2024 йил 23 январда имзоланган ПҚ-39 сонли “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор бунинг яққол далилидир. Эндигина кучга кирган ушбу ҳужжатга кўра, қонунчиликка амал қилиб ишлаётган тадбиркорларни аниқлаш ва рағбатлантиришни назарда тутувчи Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги 1 февралдан жорий этилиши белгиланди. 2024 йил 1 апрелдан тадбиркорларга субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда жорий этила бошлайди.

Аслида бу ҳақда Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили тадбиркорлар билан очик мулоқотида айтилган ва шундан сўнг ушбу рейтинг мезонлари ва тартиб-тамоийллари ишлаб чиқила бошланган эди. Шу асосда қабул қилинган Президент қарорига кўра, рейтинг доирасида тадбиркорлар куйидаги тоифаларга ажратилади:

- «AAA», «AA» ва «A» тоифалар — юқори барқарорлик рейтинги;
- «BBB», «BB» ва «B» тоифалар — ўрта барқарорлик рейтинги;

- «ССС», «СС» ва «С» тоифалар — қониқарли барқарорлик рейтингини;
- «D» тоифа — қуйи барқарорлик рейтингини.

Бундай аниқ-тиниқ барқарорлик рейтингини жорий қилинишининг энг муҳим аҳамияти шундаки у тадбиркорлар фаолияти учун нафақат ўзига хос моддий рағбат мезони ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш, балки маънавий мадад бериш омили бўлиши шубҳасиз. Унга кўра, тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизоми, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 та тоифага ажратилади. Бундай рейтинг солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини, яъни аниқ рейтинг даражасини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлади.

Президент қарорига биноан, рейтингини юқори тадбиркорлар учун барча солиқ текширувлари бекор бўлади, қўшилган қиймат солиғи суммаси бир кунда ва бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўлов уч кунда қайтариб берилади. Товарларни импорт қилишда ва сотишда қўшилган қиймат солиғини божхона ва солиқ органларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти яратилади. Аукционда олинган давлат активлари ва ер участкалари қийматини бўлиб тўлаш муддати 3 йилдан 5 йилгача узайтирилади. Бунда камида 15 фоиз миқдорида дастлабки тўловни бир йўла амалга оширганда, қолган суммага йиллик фоизлар ҳисобланмайди.

Буларнинг барчаси **“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир”** деган тамойил ҳаётга жадаллик билан жорий этилаётганининг яққол исботидир.

Ушбу йўналишдаги жаҳон тажрибасини ўрганиш бундай рейтингга таянадиган тадбиркор маънавияти ўзига хос регулятив функцияни ҳам бажариши далолат беради. Яъни рейтинг жорий қилиниши муайян тадбиркорлик субъекти ва бу соҳа билан машғул шахслар ва жамоалар фаолиятини мавжуд маънавий-ахлоқий тамойиллар ва талаблар асосида бошқариб туришга катта таъсир кўрсатади.

Бу борадаги фаолиятни самарали ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор асосида “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси Сиёсий кенгаши қошида алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳадаги долзарб вазифалари” мавзуида ташкил этилаётган Республика доимий онлайн семинари ишини тизимли йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганлар ўз навбатида, мамлакатимизда тадбиркорлар маънавиятини самарали шакллантириш борасида жамоатчилик фикри таъсирини ошириш ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлигидан далолат беради. Ушбу йўналишда кейинги йилларда тез-тез тилга олинаётган **“Тадбиркорлик кодекси”**ни ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятни жадаллаштириш лозимлиги ҳам бугунги даврнинг талабига айланди.

Шу билан бирга, бугунги кунда маънавият йўналишида ҳам қонун ижодкорлигини кучайтириш, давлатимизнинг ушбу соҳасидаги сиёсатининг асосларига доир **“Маънавият ва маънавий фаолият тўғрисида” қонунни ишлаб чиқиш** алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган энг муҳим ва объектив заруратлардан бирига айланганидан далолат беради. Айни пайтда, бу борада ушбу қонун жамиятнинг барча бўғинларига доир кенг кўламли фаолият, муайян соҳадаги янгиланишлар ва улар билан боғлиқ серқирра амалиётнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашини ҳам ҳисобга олиш даркор.

Бундай ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишнинг зарурати шундаки, давлат сиёсати, унинг ҳар бир йўналиши қонунларга таяниши, бу борада ҳам ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкам бўлиши лозимлиги давлатчилик тарихида исботланган аксиомалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Янги аср авлоди, 2016.
2. «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги 60-сонли Фармони // [хтпс://lex.uz/doss/5841063](https://lex.uz/doss/5841063);
3. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони// <https://www.lex.uz/uz/docs/6600413>.
4. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
5. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.